

Фаргона ш.

Фаргона Минтакавий Йўлларга Буюртмачи Хизмати Давлат Унитар Корхонаси (кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади) номидан, амалдаги Низомга асосан фаолият юритувчи корхона директори Ш.Пўлатов бир тарафдан ва «Кўқон йўл таъмир» МЧЖ (кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритилади) номидан, амалдаги Низомга асосан фаолият юритувчи директори А.Курбонов иккинчи тарафдан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги ПҚ-5048-сонли қарорига мувофиқ "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида Фаргона вилоятидаги ички хўжалик йўлларини Республика бюджети маблағлари ҳисобидан жорий таъмирлаш ишлари бўйичамазкур Шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

1. ТАРИФЛАР

1.1. Мазкур шартномада қуйидаги тарифлар қўлланилади:

ижро ҳужжатлари – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқданганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

қурилиш майдони – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

вақтинчалик иншоотлар – Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

беркитиладиган ишлар – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартнома нархини бўлиб чиқиш – ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш (ишлар бажариш ва молиялаштириш жадваллари).

2. ШАРТНОМА МАВЗУСИ.

2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги ПҚ-5048-сонли қарорига мувофиқ "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида Фаргона вилоятидаги ички хўжалик йўлларини Республика бюджети маблағлари ҳисобидан жорий таъмирлаш ишлари "Буюртмачи" топширигига асосан Ўзбекистон туман Бегобод МФЙ Богировон кўчаси 0.500 кмички йўлларини жорий таъмирлаш ишларини лойиха-смета ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади, "Буюртмачи" эса "Пудратчи"га ишларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

3. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

- 3.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган умумий ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда **148 026 321 (Бир юз қирқ саккиз миллион йиғирма олти минг уч юз йиғирма бир)** сўмни ташкил этади.

3.2. Тегишли асослар мавжуд бўлганда Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

4. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

4.1. Мазкур шартнома бўйича «Пудратчи» шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;
- зарур ҳолларда айрим иш турларининг бажарилишида лойиха-смета ҳужжатларида белгиланган машина-механизмлар ўрнига, ўриндош машина-механизмдан фойдаланилиши, белгиланган сифат лабораторияси ҳудосаси асосида амалга оширилиши мумкин;
- мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади;
- шартнома шартларига асосан объектни буюртмачига тасдиқланган лойихага мувофиқ топширади;
- Пудратчи Буюртмачи олдида ёрдамчи пудратчи ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлигининг оқибатлари учун жавобгар бўлади.

4.2. "Пудратчи" мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун "Буюртмачи" олдида тулиқ мулкый жавоб беради.

4.3. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабар қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

4.4. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда ўз ҳисобидан қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 3.3-бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

5. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

5.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- "Пудратчи"ни ўз вақтида лойиха-смета ҳужжатлари билан таъминлайди;

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб ишларни бажариш учун объектни ишлар тугаллагунгача бўлган даврда далолатнома бўйича "Пудратчи"га беради;

- ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган "Пудратчи" томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, "Пудратчи"дан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлашни амалга оширади;

- ушбу шартномадан назардатутилган муддатда ва микдорда "Пудратчи"га ҳақ тўлайди;

- "Пудратчи"нинг барча муурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқади.

6. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР.

6.1. "Буюртмачи" ушбу шартномага асосан "Пудратчи"нинг ҳисоб рақамига шартномада кўрсатилган қийматнинг 30%гача микдорда 2-иловага асосан аванс маблағини ўтказади.

6.2. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилганидан кейин берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 70% микдорда амалга оширилади. 5 фоизлик объект қафолат муддати тугагандан сўнгра молиялаштирилади.

6.3. "Пудратчи"нинг бошқа харажатлари лойиха-смета ҳужжатларида кўрсатилган бошқа харажатлар қийматидан ошмаган ҳолда тўловга қабул қилинади.

6.4. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

7. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.

7.1. Пудратчи мазкур шартнома кучга кирган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

7.2. "Буюртмачи" қурилиш майдонида ўз вакилини - техник аудиторини тайинлайди. У "Буюртмачи"нинг номида бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади.

8. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ.

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса, томонлар бундай мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

8.2. Пудратчининг мазкур шартномани бажариш учун бошқа шартлашуви шериклари томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўқлиги, Пудратчида зарур пул маблағларининг бўлмаганлиги форс-мажор ҳолатларига кирмайди.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

8.3. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

8.4. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

9. КАФОЛАТЛАР.

9.1. "Пудратчи":

- барча ишларни тўлиқ ҳажмда сифатли ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини қафолатлайди.

9.2. "Пудратчи":

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

- лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қодалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни сифатли бажарилишини таъминлаши лозим;

-ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланган камчилик ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

- объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини қафолатлайди, объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг қафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида бир йил этиб белгиланади.

9.3. Агар объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда қафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар "Пудратчи" томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

9.4. Агар "Пудратчи" бажарилган ишлардаги нуқсон ва чала ишларни далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда "Буюртмачи" томонидан 5%ли қафолат суммасини "Пудратчи"дан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

9.5. "Пудратчи" нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йўл қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш Давлат инспекцияси» томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иқтисодий судига мурожаат қилишдан истисно этмайди.

10. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

10.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

10.2. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрстилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, объект ҳисоб рақамига маблағлар берилгандан сўнг ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун "Буюртмачи" "Пудратчи"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4% микдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50% ошмаслиги лозим. Пеня тўланиши "Буюртмачи"ни шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

10.3. "Пудратчи" объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун "Буюртмачи"га муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5% микдорига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50%дан ошмаслиги лозим. Пеня тўлаш "Пудратчи"ни ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

10.4. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда "Буюртмачи" «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йўл қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш Давлат инспекцияси»нинг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек "Пудратчи"дан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 100% гача микдорига жарима ундириш ҳуқуқига эга.

11. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ.

11.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар хал этолмаса улар қонун ҳужжатларида, белгиланган тартибда Иқтисодий Суд томонидан кўриб чиқилади.

12. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

12.1. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда; ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

12.2. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

12.3. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш кун муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

12.4. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим коидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

12.5. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

12.6. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

13. ШАРТНОМАГА ҚЎШИМЧА ВА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ.

13.1. Ушбу шартномага ҳар қандай киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар ёзма равишда расмийлаштирилиб, ҳар иккала тараф имзолаган ҳоллардагина ҳақиқий кучга эга бўлади.

13.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тарафларнинг келишуви бўйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик кодекси ва конун ҳужжатларида назарда тутилган асослар бўйича, етказилган зарарларни қоплаш билан амалга оширилиши мумкин.

13.3. Шартномани бекор қилишга қарор қилган тараф бошқа тарафга ёзма хабарнома юборади.

14. МАЖБУРИЯТЛАРНИ АМАЛДА БЎЛИШ ШАРТИ ВА МУДДАТИ.

14.1. Шартнома тарафлар томонидан имзоланганидан сўнг Вилоят Ғазначилик Бошқармаси (бўлими)да белгиланган тартибда рўйхатдан ўтганидан кейин конуний кучга киради ва 2022 йил 31 декабригача амал қилади.

14.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 (Икки) нусхада тузилди.

14.3. Мазкур шартномага қуйидагилар илова қилинади:

- 1-илова - Бажариш жадвали.
- 2-илова - Молиялаштириш жадвали.

14. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА ТЎЛОВ РЕКВИЗИТЛАРИ.

“БУЮРТМАЧИ”

Фарғона минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати давлат унитар корхонаси

Манзил: Фарғона ш. Аэропорт кўчаси 1-уй

Тел./факс: +99873-249-50-53

ШФХ: 304521860302307045990118097

ИНН:304 899 935

Фарғона вилояти Ғазначилик бошқармаси

ЯҒХ: 23 402 000 300 100 001010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар

Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази (ХККМ)

МФО:00014 Ғазначилик бўлиминининг

СТИР: 201-122919

Буюртмачи раҳбари

Ш.Пўлатов

М.Ў.

“ПУДРАТЧИ”

Қўқон Йўл Таъмир маъсулияти чекланган жамияти

Манзил: Ўзбекистон туман, Яйпан шаҳар А.Навоий кўчаси 23а- уй

Тел./факс:+99873-539-21-80

х/р: 2020 8000 6046 3838 2001

МФО: 00531

ИНН: 300 518 595

Банк номи: Ўзсаноатқурилиш банк, Қўқон филиали

ОКЭД: 42110

Пудратчи раҳбари

А.Қурбонов

М.Ў.

ХУҚУҚИЙ ХУЛОСА

Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги конуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12.09.2003-йилдаги 395-сонли қарори ва бошқа меъёрий ҳужжатларга асосланган ҳолда тўғри тузилган. Шартнома бўйича томонлар ўртасидаги мажбуриятларни бажариш муддати, предмети, нархи ва жавобгарлик шартлари келишиб олинган. Шартномани имзолаш мумкин.

Буюртмачи юристи

Р.Алимов

Фаргона вилояти Ўзбекистон туман Бегобод МФЙ
 Боғировон кўчаси жорий таъмирлаш объектининг
 _____ сонли шартномасига 1-илова

Фаргона вилояти Ўзбекистон туман Бегобод МФЙ Боғировон кўчаси жорий таъмирлаш объектининг

БАЖАРИШ ЖАДВАЛИ.

Милне сум

№	Амалга ошириладиган ишлар	Йиллар	Умумий қиймати	Январ	Феврал	Март	Апрел	Май	Июл	Август	Сентябр	Октябр	Ноябр	Декабр
1	Курилиш монтаж ишлари	2022 йил	148 026,321					148 026,321						
Хаммаси:			148 026,321											

